





Ўтган даврда тикувчилик ва тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш қарийб икки баробарга ортди. Эндиликда тайёр кийим-кечаклар ва экологик тоза матолар Туркиянинг Истамбул ва Россиянинг Москва шаҳарларидаги савдо уйлари орқали сотилапти.



Бугунги кунда ҳам ерга меҳр қўйганинг ошиғи олчи. Айримлар у йўқ, бу йўқ, «сув йўқ» деб қолишади. Мен бундайларни оқламайман. Бу ишқмаслар уйлаб топган баҳонадан бошқа нарса эмас.



17-21 сентябр кунлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида тазқондб ITF бўйича ўсмирлар (ёшлар) ўртасида VIII ва фахрийлар ўртасида III жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.



Insonga naf keltirish – oliy baxt

Ishonch

Тарих ва ҳаёт тажрибаси шундан далолат берадики, дунёвий ва диний қадриятлар бир-бирини тўлдирмас экан, бугунги куннинг оғир ва мураккаб саволларига тўлақонли жавоб топиш осон бўлмайди.

**Ислом
КАРИМОВ**

2008-йил
23-сентябр, сешанба
№117 (2530)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Халқаро ҳамкорлик



Мамлакатимизда таълим соҳасига катта эътибор қаратилмоқда. Тизимни жаҳон андозаларига мослаштиришда улкан ютуқлар қўлга киритилди. Ушбу ислохотлар жараёнида касабаларнинг муносиб ўрни бор. ЎзКУФК ўқув марказида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабалар уюшмаси Марказий кенгаши Халқаро таълим ташкилоти («Education International») билан ҳамкорликда ўтказган «Миллий режалаштириш» мавзусидаги семинар ана шу йўналишдаги ишларни ривожлантиришга бағишланди.

ФИКРЛАШИБ, ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ

Семинарда ХТТнинг Марказий Осиё давлатлари бўйича координаторлари Алайсус Метюс, Рей Долат, Карих Маргарита иштирок этди. Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда туман ва шаҳар тармоқ кенгашлари раислари, ЎзФА бирлашган касабалар уюшмаси ҳамда Полимерлар кимёси ва физикаси институти касабалар уюшма кўмиталари раислари, Марказий кенгаш мутахассисларидан иборат 40 нафар тингловчи 3 кун давомида машғулотларда қатнашди.

Жаноб Алайсус Метюс ҳамда Марказий кенгаш раиси Носирхон Акбаровнинг соҳа ходимларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, бу борада ҳуқуқий меъёрларни кучайтириш каби долзарб масалалар юзасидан қилган маърузалари уларда катта қизиқиш уйғотди. Энг ахамиятлиси, Н.Акбаровнинг юртимиз таълим тизимида амалга оширилётган ибратли ишлар ҳақидаги мисоллари хорижликлар томонидан эътироф этилди. Семинар давомида иштирок-



чилар гуруҳларга бўлинган ҳолда юртимиз таълим тизимини янада ривожлантириш билан боғлиқ тренингларда қатнашишди. Улар тузган дастурларни ХТТ вакиллари юқори баҳолашди. Семинар сўнггида тингловчиларга Халқаро таълим ташкилотининг сертификати топширилди.



Шодмон КЎБАЕВ, Қашқадарё вилоят таълим ва фан ходимлари касабалар уюшмаси кенгаши раиси: — Бугунги кунда ҳар бир соҳада замон билан ҳамнафас бўлмай олдинга қадам босиб бўлмайди. Таълим муассасаларини жаҳон андозалари даражасига етказишда хорижий тажриба билан уйғунликда миллий ўқитиш тизимининг яратилиши ёшларнинг етуқ инсон бўлиб тарбияланишида ўзига хос ўрин тутади. Ушбу семинар муносибати билан кўп янгиликларни ўргандик. Айни пайтда Ўзбекистоннинг миллий таълим тизими муваффақиятларини ҳам намойиш этдик десак, хато бўлмайди.

СЎЗ – ИШТИРОКЧИЛАРГА

Собирхон САИДХЎЖАЕВ, Фаргона вилоят таълим ва фан ходимлари касабалар уюшмаси кенгаши раиси:

— Касабалар уюшмалари зиммасида ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишдек масъулиятли вазифа бор. Бу ҳар бир касабалар уюшма фаоли, етакчисидан жонқурлик, ишнинг кўзини билишни талаб этади. Ушбу семинар эса таълим соҳасини ривожлантириш, тизим вакилларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланишига эришиш бўйича кенг тасаввур берди.

Энг муҳими, машғулотларда миллий таълим тизимини бундан-да тараққий эттириш учун нималарга аҳамият бериш лозимлиги ҳақида атрофлича фикр юритдик.



Холбўта ДОСОВ, Сурхондарё вилоят таълим ва фан ходимлари касабалар уюшмаси кенгаши раиси: — Мазкур семинар менда катта таассурот қолдирди. Машғулотларда кўп жиҳатларни ўргандим. Бунинг учун хорижий ҳамкасбларимизга миннатдорлик билдираман. Албатта, ушбу тажрибаларни ҳаётга татбиқ этиш ниятим бор. Шубҳасиз, бу самарасини беради.

Юртимизда таълим соҳасини ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида бу тўла ўз аксини топган. Тармоқ касабалар уюшмалари ҳам ўз фаолиятида ана шу ҳуқуқий ҳужжатларга таянади.



Шухрат ЮСУПОВ, Шовот туман таълим ва фан ходимлари касабалар уюшмаси кенгаши раиси:

— Таълим соҳаси кишиларнинг меҳнати машаққатларга тўла. Шу билан бирга шарофли ҳамдир. Чунки бу касб эгалари ёшларга маърифат, зиё улашади. Ушбу тизимда озми-кўпми хизмат қилаётган касабалар уюшма кенгаши раҳбарини сифатида бунчи чуқур ҳис этаман.

Халқаро таълим ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилган семинарда иштирок этиш давомида уларга яна қандай имкониятлар яратиш, мустаҳкам суянч бўлиш борасида кўплаб муаммоларга ечим топгандек бўлдим.



Тўлқин ШЕРНАЕВ, «Ishonch» мухбири

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Янгиликлар



Қашқадарё нефт-газ соҳасига чет эл инвестициялари кенг жалб этилмоқда. Икки йил аввал давлат рўйхатидан ўтган «Шўртангазмаҳсулот» Ўзбекистон-Швейцария-Буюкбритания қўшма корхонаси 2 та технологик блокдан иборат бўлган газдан пропан-бутан аралашмаси олиш қурилмаси, компрессор станцияси, қуйиш эстакадаси ва суолтирилган газни сақлаш паркнини бунёд этиш учун ташкил этилган эди.

Қўшма корхона маҳсулотлари

Қўшма корхона таъсисчилари — «Ўзбекнефтгаз» миллий ҳолдинг компаниясини таркибидagi «Шўртангазгаз» унитар шўба корхонаси, Швейцариядаги «Zeromax GmbH» ва Буюкбританиядаги «Arch Energy Ltd» компаниялари маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш чораларини кўрмоқда.

Яқинда бу ерда йилга 6 млрд. кубометр газни қайта ишлаш ва катта миқдордаги суолтирилган газ ҳамда конденсат ишлаб чиқариш учун мўлжалланган янги мажмуа ишга туширилди. Ҳар бир технологик блокнинг ишлаб чиқариш қуввати бир йилда 3 млрд. кубометр табиий газни қайта ишлаб, ундан энг камида 28 минг тонна пропан, 25 минг тонна бутан ва 21 минг тонна конденсат ажратиш имконини беради.

Янги лойиҳа «Нефтгазсанаятлоиҳа» қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқилган. Қурилиш-монтаж ишларини «Нефтгазмонтаж» қўшма корхонаси бажарди. Қурилмада ўрнатилган технологик асбоб-ускуналар Россиядаги «ЛенНИИХиммаш» МЧЖ ва Украинадаги «Фрунзе номли Суми илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси» ОАЖ ҳамда мамлакатимиздаги соҳа корхоналари томонидан етказиб берилган.

Корхона касабалар уюшма кўмитаси раиси А.Маматқулловнинг айтишича, янги технологик линияларни белгиланган меъёрлар асосида ишлаш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизликни мустаҳкамлаш чоралари қўриллаяпти.

Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ishonch» мухбири

Яқинда Ширин шаҳрида маҳаллий маъмурият ёшлар йилга атаб қурдирган 48 хонадонли уйнинг фойдаланишга топширилиши чинакам байрамга айланди. Мазкур бино қурилишига «Ўзбекэнерго» давлат акционерлик компанияси катта маблағ ажратган бўлса, бунёдкорлик ишларини пудратчи «СирдарёИЭСқурилиш» шўба корхонаси амалга оширди.

Ширин шаҳрида ёшлар ўйи

— Бундай ғамхўрлик учун раҳмат, — дейди ҳаяжонини босолмай, янги хонадон калитини олган ёшлардан бири Акмал Охунжонов. — Асосийни шуки, уй бизга бепул тақдим этилди.

Уша кун «Энергетик» стадионда ўтказилган мини-футбол мусобақасида голибликни қўлга киритган «СирдарёИЭСқурилиш» корхонаси жамоасига компютер совға қилинди.

Пекин шаҳрида бўлиб ўтган 29-ёғи олимпиадада юртимиз шарафини ҳимоя қилган академик эшак эшиш устаси Руслан Наурузалиевнинг «Шухрат» медали билан тақдирлангани ширинликларнинг қувончига қувонч қўшди.

Хонанда Севинч Мўминовнинг қўшиқлари байрамга кўтаринки руҳ бағишлади.

Пиримқул ДЎСТМАМатов, «Ishonch» мухбири

Тошпўлат Маърупов 1971 йили Тошкент давлат тиббиёт институтини тугатган, ўзи тугилиб ўсган Жондор тумани санитария-эпидемиология назорати марказида врач, бўлим мудири лавозимларида меҳнат қилди

Аравача топширилди

1976 йилдан туман марказий касалхонаси касабалар уюшма кўмитасининг хазиначиси вазифасини ҳам жамоатчилик асосида бажариб келди. Афсуски, саломатлигига путур етиб, 2008 йилнинг март ойида тўшакка микланиб қолди. У мутахассислар томонидан 1-гурух ногирони деб топилди.

Жондор тумани ижтимоий таъминот бўлими саъй-ҳаракати ва вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касабалар уюшмаси Кенгашининг ҳомийлигида унга ногиронлар арава-си олиб берилди.

Шавкат СУЛТОНОВ, Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касабалар уюшма кенгаши раиси

Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати



Ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва қайта қуриш дастурига кўра Қаршидаги «Каштекс» мажмуаси базасида «Cotton road» қўшма корхонаси ташкил этилган эди. Хорижий инвестиция киритиш, янги технологияларни ўзлаштириш ҳисобига корхонанинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб ишлаб чиқариш қувватлари ошиб бораёпти.

Тайёр маҳсулот экспортга

Цехларни айланамиз. Иш жойлари тоза ва озода. Муътадил, салқин ҳаво кучинга куч қўшади, ғайратингни жуштиради. Тўқув машинасини моҳирлик билан бошқараётган Хуррият Сирожова мажмуа шакланган 1996 йилда маҳаллий ёшлар орасида биринчи бўлиб ишга келган эди. Ўтган йиллар давомида оддий қишлоқ қизининг малакаси янада ошди. Жамоада обрў-этибор топиб, тажрибали тикувчи сифатида танилди. Янги дастгоҳларни бошқаришни мукамал ўрганиб олдим, — дейди у биз билан суҳбатда. — Бир йўла учта машинага хизмат кўрсатаман. Юксалиш йўлидан бораётган илгор жамоа ўзининг жонқуяр ходимлари билан фахрланади. Тикувчи Лола Бозорованинг қўлидан чиққан буюртмалардан камчилик тополмайси. Пахта толасидан чидамли брезент тайёрлайдиган цех материалларини миқозлар катта қизиқиш билан харид қилишади. Мажмуа кеча-

кундуз тўла қувват билан ишлаётганлиги туфайли муаммолар вақтида ечимли топиб, ривожланишининг ойдин йўлига ўтиб бормоқда. Ходимлар учун ҳамма қулайликлар яратилган. Юқори маш, иссиқ овқат, иш жойига олиб келиш ва элтиб қўйиш учун махсус транспорт воситалари ажратилган. Ижтимоий ҳимоя ва моддий манфаатдорлик тўғрисида қўйилганлиги сифат ва самарадорликни таъминламоқда. Йилнинг ўтган даврида ялли маҳсулот ҳажми тўрт миллиард юз миллион сумни ташкил этди. Йил охирига қадар бир кеча-кундузда тайёрланаётган трикотаж материаллари миқдорини ўртача 6-7 тоннага етказиш режалаштирилган. — Турли мамлакат-

лардан буюртмалар олганмиз, — дейди бош директор Месит Оруч. — Ҳозирга қадар экспорт ҳажми 1,5 миллиард доллардан ошиб кетди. Келгусида бу миқдор янада кўпаяди. Яқинда тўқув цехига янги дастгоҳлар келтирилди. Ўтган даврда тикувчилик ва тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш қарийб икки барбарга ортди. Эндиликда тайёр кийим-кечақлар ва экологик тоза матолар Туркиянинг Истамбул ва Россиянинг Москва шаҳарларидаги савдо уйлари орқали сотилаёпти. Россиядаги йирек савдо компанияларидан катта ҳажмда буюртмалар тушди. **Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ishonch» муҳбири**

Хотин-қизлар учун янги иш ўринлари

Мамлакатимизда чет эл сармоядорлари иштирокидаги корхоналар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Уларда қасаба уюшма ташкилотлари тузилиб, ходимларнинг манфаати қонулар доирасида муҳофаза қилинаёпти. Ангил, меҳнат саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгашининг Андижон вилояти вакиллиги тасарруфиди 71 та саноат корхонаси бўлиб, уларда 22 мингдан зиёд қасаба уюшма аъзоси меҳнат қилади. Вилоят вакиллиги мутахассислари ушбу корхоналарда бўлиб, қасаба уюшмаси аъзоларининг афзалликлари ҳақида, бошланғич ташкилотни тузиш ва унинг раисини сайлаш борасида тушунтириш ишларини олиб борадилар. Президентимиз қарорига асосан вилоятимиздаги 11 та йирек тўқимачилик корхонасини техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш учун 2006 — 2008-йилларга мўлжалланган лойиҳа тузилган, — дейди тармоқ вакили Б.Жўраев. — Лойиҳанинг умумий қиймати 69,5 млн. АҚШ долларига тенг. Энг муҳими, ушбу корхоналар ҳисобидан 3150 та янги иш ўрни яратилди. Дарҳақиқат, ҳозир ишга туширилган «Антэкс» АЖ, «Олтинқўлтэкс» ва «Инвестекс» қўшма корхоналарида 5,8 млн. долларга тенг сарможа жалб этилиб, қўшимча 1200 та иш ўрни яратилган. Яқинда ташкил толган «Тагустекстил» Ўзбекистон-Британия, «Соҳилтекстил» ва «Улматэксстил» Ўзбекистон-Хорватия корхоналарида қасаба уюшма қўмитаси ташкил этилиб, 500 нафар ишчи аъзоликка қабул қилинди. Бу корхоналарда асосан аёллар меҳнат қилишини инobatга олсак, бошланғич ташкилотлар ниҳоятда зарурлиги аён бўлади. Биз хотин-қизларга яратилган шaroитни ўрганиш мақсадида вилоят вакиллиги ходими ҳамроҳлигида Ойим қишлоғида жойлашган «Миматош текстил» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида бўлдик. **Ойимни хорижда ҳам билишади...** Андижонда Ойим қишлоғи ҳақида билмаган, эшитмаган одамни топиш



Тармоқ қасаба уюшмаларида

қийин. Бу қадимий, сўлим гўшада Моҳларойим — Нодира давронинг иллари қолган. Қишлоқнинг номи ҳам шундан келиб чиққан бўлса ажаб эмас. Қишлоқнинг гўзал табииати, зиллоқ булоқлари, соя-салқин боғлари дилни яйратади. Одамлари камсуқум ва меҳнатқаш. Бу ерда ҳар қарич ернинг қадри тиллога тенг. Чунки деҳқонлари ер илмининг пирига айланган кетган. Мустақиллик йилларида қишлоқ янада обод масканга айланди. Замонавий саноат корхонаси бунёд этилиб, хотин-қизлар учун муҳим иш жойи вужудга келди. Бу ерда чиқарилган қалава ип ва матоларнинг хориж мамлакатларида сотилиши қишлоқ номини янада машҳур қилди. Бошида «Бунёд-М», кейинроқ «Ойимтекстил» номи билан донг тартган корхонани икки йил бурун туркиялик ишбилармонлар сотиб олди. Аниқроғи, ҳозир Европада етакчи текстил компанияси саналган «Миматош текстил» бу ерга сарможа киритди. Катта йўл ёқасидаги бу жойни бир қўришда текстил корхонаси деб уйламайсиз. Атроф ниҳоятда кўркам ва чиройли. Корхонага кир-

моқчи бўлсангиз аввал эшик оғаларига рўпара бўласиз. Ким ва қайси ерга кетаётганимизни билгач, телефон гўшагини кўтариб, ичкаридан руҳсат сўрашади. Зудлик билан кўкрагимизга «меҳмон» деган ёрликни илби қўйишади. Бизга корхона қасаба уюшма қўмитаси раиси Мастураҳон Раимқулова пешвоз чиқди.

«Хорижий дастгоҳлар бизга ҳеч гапмас...»

Корхона цехларини айланамиз. Замонавий дастгоҳларда бир маромда ишлаётган аёл-қизларни кўриб кўзингиз қуанади. Гулжаҳон исмли қизни суҳбатга тортамыз. — Шу йил феврал ойидан тўқувчи бўлиб ишлаяпман, — дейди у оёғина ҳаяжон билан. — Янги дастгоҳларда ишлаш бизга ҳеч гап бўлмади қолди. Чунки уларнинг барчаси автоматлаштирилган. Қолаверса, бу ердаги тажрибали опаларимиз бизга доимо кўмак бериб келишади. Шароит кўнгилдагидек. Қасаба уюшма раиси бизни бирмабир меҳнат ва дам олиш, овқатланиш ва ювиниш хоналари билан таништиради. Ходимлар бир маҳал белул иссиқ овқат ва сут-қатиқ билан таъминланади. Бунинг учун ўтган йили 116 млн. сўм сарфланди. Маъмурият ва қасаба уюшмаси ишчиларнинг мароқли дам олиш, меҳнат қилиши учун барча чораларни кўрмоқда. Жумладан, корхона ошонхона замон талаблари даражасида таъмирланди. Дам олиш, ювиниш хоналари иссиқ ва совуқ сув билан узлуксиз таъминланиши йўлга қўйилди. Ойлик иш ҳақи ўз вақтида бериб боришмоқда. Мастураҳоннинг айтишича, янги сармоядорлар ходимлар ишга қатнаши учун махсус автобуслар ажратган. Демак, иш ҳақи тўлиғича сақланиб, ишчининг рўзгорига кириб боради. Корхонада ишлаётганлар сони 622 нафарга етиб, уларнинг ҳар бири жамоа шартномаси орқали ҳуқуқий ҳимояга олинган. 2007-2009 йиллар учун тузилган жамоа шартномасида барча имтиёзлар қамраб олинган. Хавфсизлик ва меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилган. Биринчи навбатда ишчиларни ишга қабул қилишда уларнинг касбий малакаси бўйича ишга тайёрлаш, хавфсизлик техникаси йуриқлари ва суҳбатдан ўтказиш йўлга қўйилган. Ходимлар ўртасида турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинади. Хуллас, мустақиллик йилларида қад ростилаган «Миматош текстил» корхонасида ишчилар учун барча шарт-шaroит яратилган. Агар йўлинг тушса, Ойимга келинг. Ахир минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал дейдилар-ку. **Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» муҳбири**

Турли касб эгалари

«Мусаффо оби ҳаёт»

миқозлар ишончини оқламоқда

Авесто китобида нақл этилишича, сувни исроф ва ифлос қилганларни ниҳоятда қаттиқ жазо кутган. Шу боисдан аҳоли ўз эҳтиёжига кўра исстеъмол қилиб, беҳуда сарф бўлишига йўл қўймаган. Орамизда шундай касбдаги кишилар борки, уларнинг саъй-ҳаракатлари билан ичимлик суви таъминоти яхшиланмоқда ва сувнинг беҳуда исроф бўлишига йўл қўйилмаёпти. «Мусаффо оби ҳаёт» масъулияти чекланган жамиятнинг аҳил жамоаси ҳам мана шундай савобли ишни бажармоқда.

— Корхонамиз ўтган йилнинг июн ойида ташкил этилган, — дейди масъулияти чекланган жамият раҳбари Шухрат Пулатоҳунов. — Дастлаб 11 киши иш бошлаган бўлсак, айни пайтда ишловчилар сони 50 кишига етди. Асосий вазифамиз қувурларни таъмирлаш ҳамда маҳаллаларнинг ичимлик сув таъминотини яхшилашдир. Асосан пойтахт вилоятининг Қибрай, Зангиота ҳамда Тошкент туманлари аҳолисига хизмат кўрсатамыз. Дуоларимиз ҳам феълимизга яраша. Сувдек сөрб бўлгин, дея дуога кўл очамиз бир пиёла чай узатган одамга меҳримиз жўшиб. Қибрай туманидаги «Мевазор», Мирзо Улуғбек номи, Зангиота туманидаги «Бешкўрган» ҳамда «Олмос» каби бир қатор маҳаллалар аҳолиси жамоа меҳнатидан, айниқса, миннатдор. Мазкур жамоа Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Сувсо» трести Давлат унитар корхонаси қошида фаолият кўрсатиб келмоқда. Аъзолар-

нинг меҳнатлари туфайли аҳолининг ичимлик суви таъминоти яхшиланмоқда. Масалан, илгари Қибрай туманидаги «Салар» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли 8 та кўпқаватли уйлarning юқори қаватларида сув таъминоти яхши эмасди. Эндиликда насос таъмирланиб, қувурлар тартибга келтирилганлиги туфайли, шикоятга ўрин қолмади. Иш шароити билан меҳнат самарадорлиги ўртасида бевосита боғлиқлик бор. Шундан келиб чиқиб, яқинда корхона Корейдан экскаватор сотиб олди. Янги «Дамас» ҳамда кредитга олинган юк машинаси сувсозларнинг оғирини енгил қилмоқда. Бунинг натижасида аҳолидан тушган талабноманинг 200 дан зиёди юқори сифатли қилиб бажарилди. Корхонада ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсад учун 10 миллион 876 миң сўм ажратилган. Шу ҳисобдан 2 нафар кишига моддий ёрдам берилди. Сувсозлар фаолияти билан танишиб қайтар эканмиз, Авестода айтилган яна бир фикр ёдимизга тушди. Унда сув хилқатни ювиб, пок этиши ва икки ҳахон саодатига сазовор этиши айтилган. Ушбу фикр том маънода аҳолини ичимлик суви таъминотини яхшилашга ўзининг баҳоли қудрат ҳиссасини қўшаётган «Мусаффо оби ҳаёт» масъулияти чекланган жамиятнинг ишчи-хизматчиларига ҳам тегишли.

Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА, «Ishonch» муҳбири



Қувасой шаҳридаги 1-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернат таълим ва тарбия соҳасида ютуқлари билан Фарғона вилоятида яхши маълум. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга ошираётган мазкур илм маскани мустаҳкам моддий-техника базасига эга. Мактабда иқтисодиёт ва математика, рус тили, физика, хорижий тиллар чўқур ўқитилади.

Утган йили қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилган мактаб-интернатнинг



Замонавий илм маскани

кенг ва ёруғ синфхоналари, мажлислар зали, ўқув устахонаси, ахборот-ресурс марказини ўз ичига олган 240 ўринли ўқув корпусининг қиёфаси тубдан ўзгарди. Янги ёпиқ сув ҳавзаси бунёд этилди. Ободлаштириш ва кўккаламзорлаштириш ишларига

алоҳида эътибор қаратилди. Эндиликда мазкур илм масканида ўқувчиларнинг билим олиши, касб-хунар ўрганиши, спорт

билан шуғулланиши учун барча шарт-шaroит яратилган. Айни пайтда мактабда экспонатларга бой музей ташкил этилди.

Суратлар: мактаб-интернат кўриниши; 9-синф ўқувчиси Феруза Эргашева; мактаб ўқувчилари машғулот пайтида. Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар

Ишлар қандай, ёш мутахассис?

Оқолтин туманида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 12 та ташкилот ва хусусий корхона 152 та бўш иш ўрни билан қатнашди. «Оқолтинтумангаз», туман деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси, «Сардоба» пахта тозалаш корхонаси, Оқолтин машина-трактор саройи, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, марказий шифохона шулар жумласидандир.


Бандликка қўмақлашувчи Оқолтин тумани маркази раҳбари Олимжон Мавлоновнинг айтишича, марказга туман аҳолисидан 794 нафар фуқаро мурожаат қилган. Улардан 727 нафари ижтимоий фойдали ишга жойлаштирилган, 39 кишига ишсизлик нафақаси тайинланган, 25 киши ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинган ва 35 нафар фуқарога касб-кор ўрганиш учун йўлланма берилган. Шунингдек, иш ўринлари қисқаргани сабабли 7 нафар фуқарони мuddатидан илгари пенсияга чиқариш бўйича туман ижтимоий таъминот бўлимига тақдимнома киритилди. Бундан ташқари, мазкур тадбирнинг ўзида 304 нафар фуқаронинг 211 нафари рўйхатга олинди, улардан 143

киши ижтимоий фойдали ишга жойлашди, 25 нафар фуқаро жамоат ишига жалб қилинди, 8 нафар киши касбга тайёрлаш учун қайта ўқишга юборилди, 128 нафар фуқарога эса Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган меҳнат қонуничилиги асосида тегишли маслаҳатлар берилди. Бахт шаҳарчасида жойлашган енгил саноат коллежи тугатдим, — дейди ўзбек тилида Алексий Шолохов. — Ишлаб чиқариш амали-

ётини «Ипотека» банки филиалида ўтадим. Банк маъмурияти мени ишга таклиф қилди. Айтишим мумкинки, орзум ушалди. Коллеж фаолияти билан танишар эканмиз, ўқув юртининг янги раҳбари Исролжон Мирзақулов ва қасаба уюшмаси қўмитаси раиси Қосим Қўнаровнинг сай-ҳаракатлари туфайли Сирдарё автомобил йўллари ҳамда коммунал фойдаланиш бошқармалари, «Баҳор Гул Шодаси» масъулияти

га 5 нафардан 10 нафаргача мутахассисни ишга қабул қилиш бўйича ўзаро шартномага имзо чекишди. Хунар масканида ўқувчиларнинг мўмай даромад ишлаб топишлари учун пойдевор мавжуд. Масалан, махсус цехнинг ўзида 30 та тикув машинаси тизилиб турибди. Касб-хунар коллежларини битириб, бугунги кунда иш топган йигит ва қизлар вилоятда кўпчиликни ташкил қилади. Улардан бири — Шухрат Алиқулов бугунги кунда Гулистон шаҳар телекоммуникация боғламасида электр монтер бўлиб ишлаёпти.

— Тажрибали электр монтери Сергей Чумакни устоз сифатида битириб қўйишди. Ана ўрганиб қолдим. Гулистон компютер ва ахборот технологиялари коллежидо олган билимларим қўл келяпти. Элдор Жониқулов ҳам шу ташкилотда меҳанок бўлиб ишлайди. — Ўтган йили август ойида ўзимга муносиб иш топдим. Ҳозиргача устозим Александр Цой уйига амал қилиб, бошқалардан кам бўлмаяпман, — дейди у. **Пиримқул ДўСТАМАТОВ, «Ishonch» муҳбири**



Неъмат ака Москвада хизмат юзасидан юрғанди, ВДНХда халқаро гуллар кўргазмаси ўтказилаётганини эшитиб, кўргани борди. Гуллар орасида, айниқса, хинд гули нарғис кўнглига хуш ёқди. Шу кун Тошкентдан мужда келди. Яна қизалоқлик бўлибди. «Қизим хинд гулидек суюмли ва хушрўй бўлсин», деб чакалоқнинг исмини Нарғис атади.

Орадан йиллар ўтди. Гули, Нарғис, Юлдуз буй кўрсатди. Неъмат ака қизларини кипригининг устига қўйиб ўстирди. Афсус, суюкли ёри Сапураҳонни, қизларини ташлаб, у дунёга бевақт рихлат қилди.

Шу ҳақда сўзларкан, Нарғис кўзларидан оқаётган жолани тўхтата олмайди. «Адам жуда ёш кетдилар, бу кўнглимда тоғдек чўкиб ётган армон. Уғил фарзандга зор эдилар, ваҳоланки, менинг уч ўғлим бор. Улар бобосини кўришмаган, аммо унга ўхшашни орзу қилиб, элюрт хизматига бел боғлашган, — деди енгил тин олиб. Сўнг сўзида давом этди. — Ота-онам ҳуқуқшунос эдилар. Мен уларнинг йўлини давом эттирялман. Опам, синглим педагог. Икки ўғлим ҳам ҳуқуқшунослик дипломини олишган».

Шу кўни Нарғис ҳаётига назар соламан. Ёзнинг соҳир тонгларидан Неъмат ака айвонда ўтириб олиб эзиб най чалар, майин куй оғушида гўё шу сарҳадсиз дашт бўйлаб сайр қиларди. Нонуштадан кейин қизларининг кундалик дафтарларини текширар, гоҳ койир, гоҳ эркаларди. Сапура опа республика Социал таъминот (Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш) вазирлигида масъул лавозимда ишлар, вақти фойда тигиз бўлар, фарзандлар тарбияси билан асосан Неъмат ака шугулланарди.

Нарғис Тошкент Давлат университетининг (Миллий университет) юридик факультетига ўқишга кириб, уни муваффақиятли тугатди. Иш фаолиятини Тошкент шаҳридаги «Шодлик» бахт уйда нозирликдан (инспектор) бошлади. Кейинроқ эса катта нозир, пировадидда ФХДЭ мудираси лавозимда узоқ йиллар самарали меҳнат қилди.

Утган кунларнинг суронларини буюрди. Аммо заковат, сабр-тоқат, ҳаракат аталмиш буюк фазилатлар бор экан, улар соҳибининг мўртини болта ҳам кеса олмайди. Севган йигитига турмушга чиққанида кизгина хали осмонларда учиб юрарди. Эр уруғига ёқиб осон бўлмайди. Бундай кезларда саноатнинг калити сабр-қаноатда эканлигини туйиб яшайди. Пировадидда асло кам бўлган йўқ, севимли келинга, эрка бекага айланади.

«Эрни эр қиладиган ҳам, қора ер қиладиган ҳам хотиндир» деган, ибратли сўзлар бир зум ха-

дан кўрмайсизми? — Кимни? — Уша қизни! — У мени жонидан ортқ севади. Мухр фақат унинг ота-онасига кўрсатиш учунгина керак. — Демак, бегунох инсонларни кўра-била туриб, алдас экан-да... Бу ниятингиздан қайтинг, укажон! Кейин «аттанг» деб қолманг. Қолаверса, хотинингиз ва фарзандларингиз олдида ким деган одам бўласиз? Мен ҳеч қачон бундай қинғир ишга ён босмайман, — деди қатъият билан.

Йигит қинғир ўф тортиб, бошини ҳам қолган кўйи хонадан чиқиб кетди. Орадан йил ўтиб, Нарғис уни бир тўйда рафика-

ниб турар, нигоҳларида аллақандай ботиний нур порларди. — Бизнинг никоҳимизни энди расмийлаштирсангиз бўлади, — деди у, шифокор хулосаси ёзилган ҳужжатни тўқазиб. — Мен соғломман, шифоконда ётиб дардим ариди.

Алалхусус, бахт уйининг тантаналар залида никоҳ маросими ўтказилиб, мудира Аҳмад билан Нилуфарни эр-хотин деб ўқиб қилди. Шундан сўнг қан-



чадан-қанча сувлар оқиб ўтди. Не-не тераклар кесилиб кетди. Талай қорлар ёғди, излар босилди. Нарғис ҳар бир куннинг сурурини туйиб яшайди. Бировнинг қорига яраш, мушкулени осон қилиш буюк маънавий бахт эканлигини чуқур ҳис этди.

— Адам раҳматли ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшангилар, завқланиб ишлашни ўрганингллар, дер эдилар. Умр йўлида шу сўзлар дастуриламал бўлди. — дейди у. — Яхшиларга эргашиб, дилни пок тутиб, эзгулик йўлида саъй-ҳаракат қилинса, инсон боласи забт этмаган чўкки бўлмас экан.

Миробод тумани ФХДЭ бўлимига ишга ўтганида эса унда юксак малака ҳосил бўлган, катта тажриба тўпланганди. Келибоқ бу ерда қилмаган ишлар қўллагини тушуниб етди. Мавжуд бино таъмирланиб, зарур шарт-шароитлар яратилди. Тантаналар эли чўғдек безатилди. Ҳар бир йил моҳиятидан келиб чиқиб, ташкилий тадбирлар режалари белгиланди. Бўлим қошида «Ёш оила» мактаби мунтазам фаолият бошлади. Унда янги ҳаёт бўсағасида турган ёшларга «Никоҳ шартнома»нинг афзалликлари, оила сир-синоатлари ва бошқа мавзуларда тушунтиришлар, сабоқлар берили бордини. Шунингдек, бу борада жойларда, маҳалла ва таълим-тарбия ўчоқларида ҳам кенг тар-

Оила мустақкам кўрғон

Ҳавас билан яшашлик




Очерк

— Айтинг, укажон, агар қўлимдан келадиган иш бўлса... — Шу десангиз... Бир қизни севиб қолдим, — деди йигит кизариб. Нарғис унга анграйиб қаради. — Ахир, сизнинг рафикангиз, гўлдек икки фарзандингиз борку?!

— Афсуски, кўнглига буюриб бўлмас экан. — Бурч, масъулият, — деган гаплар ҳам бор дунёда. Хўш, мендан сизга қандай ёрдам зарур? — сўради мудира. — Унинг паспортига мен билан қонуний никоҳдан ўтганлиги тўғрисида муҳр босиб берсангиз? Нарғиснинг қаттиқ жазли чиқди. — Бу нима деганингиз? Хотинингиз билан расмий никоҳингиз бор, ахир?! Буз остига бировнинг боласини увол қилиш-

си билан кўрди. Улар бахтли, шодон кўринишларди. Кўзлар беихтиёр тўқнашди. Йигитнинг чечрасига миннатдорлик ифодаси қалқди. Нарғис мамнун жилмайди.

Аҳмад билан Нилуфар тиббий қўриқдан ўтишга юборилганди, рентгенда йигитнинг сил касалига чалингани маълум бўлди. Севишганлар бундан изтиробга тушишди. — Опа, никоҳимизни расмийлаштириверинг, кейин даволашни оламан, — деди йигит. Киз эса мўлтираб, йилғамсираб турарди. — Бундай қилишга ҳақим йўқ, — Ахир, муҳаббатимиз нима бўлади? — Нима бўларди синовадан ўтади, — деди мудира босиқлик билан. — Сиз эса тузалишингиз ҳаракатини қилинг. Шу тобда турмуш курсангллар, фалокат босиб сиздаги хасталик келинга юкса, виждон азобида қоласиз. Қолаверса, бир ташвишини икки қилшининг нима кераги бор... Йигит-қиз вақт ўтиб яна келишди. Куёвнинг ранг-рўйидан соғломлиги шундоққина кўри-



Тахририятимизга Олтинқул тумани ўқитувчилари номидан келган Н. Эгамбердиевнинг хати Андижон вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмасига юборилган эди. Қуйида ташкилотнинг жавоб хатини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Хатмдаги фикрлар асоссиз

Хатда туманда ўқитувчилар йўл ва худудларни ободонлаштириш, кўкчаларнинг яшилари ва жабб этилаётганлиги, бунинг учун улар ўз ҳисобидан маблағ сарфлаётганлиги баён этилган.

Кўчатлари мактаблар ер майдонига, туман ободонлаштириш бўлими томонидан берилган. 6 е - р и л - г а н , 1 2 0 м и н г г у л кўчатлари эса улар худудидagi йўл бўйларига экилди.

Олиб борилган ободонлаштириш ишлари ходимлар ва ўқувчиларнинг бўш вақтларида амалга оширилди. Ҳеч бир ходимдан гул кўчатлари учун маблағ талаб этилмаган.

Таълим муассасалари ер майдони ва худудлардаги йўл бўйига қадалган ниҳолларни парвартириш, сугориш ишларини ташкил этиш учун туман ҳокимлиги томонидан 20 дона сув насослари, 10 дона сув қудуқлари қовлаб берилди. Тумандаги мавжуд муқобил МТПларда алоҳида тахминлар ташкил этилиб, сугориш ишлари олиб борилмақда.

Шунга асосланиб, тахририятга йўланган мактубда баён этилган фикрларни асоссиз деб ҳисоблаймиз. Туман халқ таълими бўлими тизимида ишловчи ходимлар ўртасида бу масала юзасидан тегишли тушунтиришлар ва суҳбатлар ўтказилди.

К. ПАРПИЕВ, Андижон вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

Муҳокама учун мавзу Томорқа нега қаровсиз?

Қадим замонлардан бери қишлоқ аҳли ризқини ердан топади. Шаҳарни-да шу орқали боқади. Меҳнат қилган чўпдан бог яратади.



Вилоятимизда шундай кишилар борки, томорқадан оқилона фойдаланганликлари тўғрисида бири икки бўлмоқда. Масалан, Охунбоев номили дехқон-фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудидида яшаётган 100 ёшли Обиджон ота Йўлдошев, «Ҳақиқат» ДФХУда истикомат қилувчи Абдурашул Нибозов, Иброҳим Каримов номили ДФХУдаги мактабда кўп йиллар ўқитувчилик қилган Баҳром Назаров, дехқон-нободлик Сангибой Дадабоев, боёвчилик ходимлари Махмуджон Жангировлар ана шундайлар сирасидан.

Уларнинг маслаҳатидаги кириб, Сирдарёга кўчди. Амакиларим чигит экилган лайқалдан узунлиги 100 метр, эни эса 30 метр келадиган ерни томорқа қилиб беришди. Аввалига ертўлада, кейин қамшидан тўқилган қапада яшадик. Хуллас, меҳнатимиз орқасидан турмушимиз фаровонлашди. 1933 йилдаги қажатчилик, 1937 йилнинг алғов-далғовлари, Иккинчи жаҳон уруши, 1946-1950 йиллардаги иқтисодий танглик оиламизнинг четлаб ўтди. Марҳум отамиз ишнинг кўзини биладиган дехқонга айланганди. Мўъжазгина томорқамиздан йилга уч марта ҳосил олардик. Дархатларда турли мевалар фарқ пишиб ётардик. Қузда 0,20 гектар ерга сепилган арпа 25-27 майда пишиб етиларди. Уни ўроқ билан ўриб олган, қиш бўйи йиғилган гўнгни далага бир текис қилиб солардик. Сўнг ерни хўкиз ёрдамида ҳайдаб, узогин билан 1-5 июн кунлари маккажўхори экардик. Зўр парваринг қилинган ўсимлик «бола» қучоқлаганда, унинг тағига сабази уруғи сепилар ва 30 августда маккажўхори кўк пояси билан йиғштириб олинарди. Сўнг ерга сув таратиш жараёни бошланар, 1-7 ноябрларда тайёр сабази қавлаб олинарди.

Сираси, ҳар йили шу тарзда 800-1000 килограмм арпа, 1500-1800 килограмм маккажўхори, 5-8 тонна сабази етиштирардик. Рўзгоримиз шунинг орқасидан боёд-шоёд эди. Арпанинг сомони, маккажўхори пояси билан молларимизни боқардик. Бугунги кунда ҳам ерга меҳр қўйганимиз ошиғи олчи. Айримлар у йўқ, бу йўқ, сув йўқ деб нолишарди. Мен бундайларни оқламайман. Бу ишқамонлар бўйлаб топган баҳондан бошқа нарса эмас. Менимча, ҳар бир муаммо ечимиз уюшимизга боғлиқ. Бунинг учун астойдил меҳнат қилиш ва изланиш лозим.

Баҳром ҳожи ЯҲЁЕВ, Мирзачўлни ўзлаштириш фахрийси



Эстонияда Мудофаа вазирлигининг собиқ ходими Херман Симм ҳибсга олинди. Ундан махфий маълумотни хорижий давлат вакиллари берган деб шубҳаланишяпти. Айнан қайси давлат ҳақида гап кетаётганлиги маълум қилинмаган.

Қўзичоқларнинг тақдири бўрига ишониб топширилган эдими?

«Интерфакс-АВН»га Россия харбий денгиз флотини бош қўмондонининг ёрдамчиси, 1-ранг капитани Игор Дигалонинг маълум қилишича, отряд «Пётр Великий» атом ракет крейсери, «Адмирал Чебаненко» улкан жанговар кемаси ва бир неча соқи кема, тўртта «Ка-27» вертолётларида иборат.



«Интерфакс-АВН»га Россия харбий денгиз флотини бош қўмондонининг ёрдамчиси, 1-ранг капитани Игор Дигалонинг маълум қилишича, отряд «Пётр Великий» атом ракет крейсери, «Адмирал Чебаненко» улкан жанговар кемаси ва бир неча соқи кема, тўртта «Ка-27» вертолётларида иборат. Уқув машқлари 10 — 14-ноябр кунлари бўлиб ўтади. И.Дигалонинг таъкидлашича, ушбу машқлар биронта мамлакатга қарши қаратилмаган, сиёсий тусга эга эмас. Уни ўтказиш ҳақида аввалдан келишилган бўлса-да, икки давлат президентларининг июль ойидаги учрашувида узил-кесил қарорга келинган эди.

Охириги бир неча ўн йилликда сайёрамизда кенг тарқалган 45 фойз қўшларнинг сони сезиларли даражада қамайган. Табиати муҳофаза қилувчи «BirdLife» («Қўшлар ҳаёти») ташкилотининг охириги ҳисоботида шундай маълумотлар чоп этилди.

Оқ каптарим, оқ каптар, ер юзида не гаплар?

Европада 26 йил мобайнида 124 та «одатий» қуш турларидан 56 тасининг сони анча қисқарган. Шимолий Америкада 40 йилда 20 турдаги қушлар сони деярли икки баробар озайган. Австралида 80 фойз қушларнинг популяцияси кескин қамайган.

«France Presse» агентлиги яқинда кунни тарқатган хабарда айтилишича, Лесото қироллигидаги Летсенг қондан 8 сентябр кунни вази 478 киротта тенг олмос топилиган. Ишлов берилмаган ҳолида у катталигига кўра дунёда йигирманчи ўринни эгаллайди.

12 миллион долларлик топилма

Коннинг 70 фойзига эгаллик қилувчи «Gem Diamonds» компанияси (Буюкбритания) вакилининг айтишига қараганда ишлов берилгандан кейин олмоснинг вази 150 кироттача қамайиши мумкин.

«BBC News»нинг хабар беришига қараганда, Буюкбританияда 1 фунт-стерлингли сохта тангалар сони охириги 30 йилда икки баробар кўпайиб, 30 миллионга етган.

Ҳар эликта тангадан биттаси — қалбаки

Экспертлар сохта тангалар уюшган жиноий гуруҳлар томонидан тайёрланаётганини таъкидлашяпти. Уларни аниқлаш анча осон бўлса-да, сон жиҳатдан қўпийи нақд пул билан ишловчи дўкон сотувчилари, такси ҳайдовчилари ва бошқаларга қийинчиликлар тугдираптапти. Қироллик зарбхонаси вакиллари замонавий стандартларга кўра қалбаки тангалар сони унча катта эмаслигини айтганпти. Бироқ мутахассислар маъруз ҳолат аҳолининг тангаларга ишонч буткул йўқолишига олиб келиши мумкинлигини таъкидламоқда. Зарбхона вакиллари қўлга сохта танга тушиб қолган фуқароларга уларни давлатга топширишни тавсия қилган. Интернет хабарлари асосида Жавдатбек Шавкат ўғли тайёрлади

Таэквондо ITF



17-21 сентябр кунлари пойтахтимиздаги 'Ўзбекистон' спорт мажмуасида таэквондо ITF бўйича ўсмирлар (ёшлар) ўртасида VIII ва фахрийлар ўртасида III жаҳон чемпионолати бўлиб ўтди. Дунёнинг 50 дан зиёд давлатларидан келган 14-17 ёшли ўсмирлар ҳамда фахрий спортчилар якка ва жамоавий тил ҳамда массоги бахсларида маҳоратларини кўриқдан ўтказишди. Шунингдек, селдифенс (кўргазмали чиқишлар) ва пред-метлар синдириш бўйича голиблар аниқланди.

Ёш таэквондочилар 14 вазн тоифасида даянга чиқишди. Юртимизда Пулат Усмонов раҳбарлигида таэквондо ITF Ассоциациясининг самарали меҳнат қилаётгани натижасида бу спорт тури билан шуғулланувчилар тобора ортиб, уларнинг сони 50 минг кишига яқинлашиб қолди. Истеъдодларнинг кўплиги, қолаверса, таэквондо бўйича жаҳон чемпионолати юртимизга илк бор ташриф буюрганлиги тўғрисида маълум бўлди.

Қосимова, Луиза Сагитова, Ринат Султонбеков каби хамюртларимиз кўксини ҳам олтин медаллар беъзди.

Мусобақанинг охири куни жамоа массого бўйича кучлилар номи маълум бўлди. Қизлар ўртасида КХДР, ёшлар бахсида эса Россия йигитлари шохсупанинг энг юқорисидан жой олишди.

Умумий медаллар сонига

ёзиб олдик. Шомурод ШОФАЙЗИЕВ, Халқаро таэквондо ITF федерациясининг Осиё ва Тинч океани минтақаси бўйича биринчи вице-президенти: — Жаҳон чемпионолатига 54 давлатдан 600 нафардан зиёд спортчилар ташриф буюрди. Шунингдек, яна учта давлат вакиллари кузатувчи сифатида иштирок этишди. Беш кун да-

ридли. Меҳмонлар мусобақадан бўш вақтларда шаҳримизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишди. Мустақиллик майдонида бўлиб, Хазрати Имом мажмуасини зиёрат этдилар. Дунёнинг турли бурчакларидан, жумладан, Хорватия, Чехия, Австралия, Япония, Жапония, Африка Республикаси, Эстония, Малайзия каби мамлакатлардан келган спортчилар мустақил юртимиз ҳақида илиқ фикрларни айтишди.



Айниқса, Чанг Унг жанобларнинг гўзал шаҳримиз ҳақида хайратланиб гапиришидан қалбимиз гурурга тўлди.

Спортчиларимизнинг умумжамоа ҳисобидан биринчи ўринни эгаллаши эса бизнинг ҳеч кимдан кам эмаслигимизни бутун дунёга яна бир бор исботлагандек бўлди.

Ақмал АБДИЕВ, 'Ishonch' мухбири

Жаҳон нигоҳи Ўзбекистонда




кўра, ўзбекистонликлар биринчи, Австралия терма жамоаси иккинчи, Россия термаси учинчи погонани банд этди ва уларга махсус кубоклар тақдим этилди.

Ваҳоланки, шу пайтга қадар жаҳон чемпионолатларининг умумжамоа КХДР термаси биринчи ўриндан пастга тушмаган эди.

Фурсатдан фойдаланиб, иштирокчиларнинг фикрларини

Шунингдек, Аҳмаджон Солиҳов, Феруза Султонгариева, Дилбар



Мухаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

Футбол хабарлари



'Бунёдкор' клуби устози Миржалол Қосимов Ўзбекистон миллий терма жамоасининг янги бош мураббийи этиб тайинланди.

Қосимов — бош мураббий

Хабарингиз бор, Қосимов шу вақтга қадар миллий терманинг катта мураббийи сифатида ишлаб келаётган эди. Терма жамоада бош мураббийи эрдэмчиси вазифасини, эндиликда, ҳозирга қадар терма жамоа бошлиғи сифатида ишлаб келган Вадим Абрамов бажарадиган бўлди. Шу пайтгача терма жамоа бош мураббийи сифатида ишлаб келган Рауф Инилеев ҳам жамоадан кетгани йўқ. Эндиликда, собиқ бош мураббийи терма жамоада техник директор лавозимини бажаради.

Қосимов ва унинг янги эрдэмчиси яқин кунларда миллий терма жамоанинг янги мураббийлар штаби рўйхатини тузиб чиқишади.

'Бунёдкор' устози терма жамоа бош мураббийи сифатида дебютини 11 октябр куни сафарда Жанубий Корея терма жамоасига қарши ўртоқлик ўйинида нишонлайди. Японияга қарши жаҳон чемпионолати саралаш бахслари доирасидаги ўйин олдиндан тайёргарлик машини ўтаб берадиган мазкур учрашувда иштирок этиши учун Қосимов ва унинг жамоаси 7 октябрда Сеулга учиб кетишади. 11 октябр кунги спарринг учрашувдан сўнг, терма жамоа 12 октябр санасида Сеулдан Токиога йўл олади.

Миллий терма жамоага Миржалол Қосимов бош мураббий этиб тайинланган, бундан хабар толган терма жамоа сардори Максим Шацких ўз муносабатини билдирди.

— Биз Миржалол билан терма жамоа сафидан бир қанча учрашувларда иштирок этганимиз. Уйламанки, унинг келиши билан терма жамоа фақатгина ютади. Қосимовда голиблик характери ва яхши устозлик жамоани бирлаштиришга хизмат қилади.

Эслатиб ўтамиз, 2010 йилги жаҳон чемпионолати 4-саралаш босқичи доирасидаги Ўзбекистон миллий терма жамоасининг навбатдаги ўйини 15 октябр куни сафарда Япония термасига қарши бўлади.

Жавоб баҳси олдида



Эртага МХСК стадионида 'Бунёдкор' - 'Сайпа', Осиё чемпионолат лигасининг чорак финал жавоб учрашуви бўлиб ўтади.

Таъкидлаш жоизки, меҳмонлар жамоаси пойтахтимизга этиб келишган.

Мухбирларимиз билан суҳбат доирасида 'Сайпа' ярим ҳимоячиси ва бош мураббийи куйидагича фикр билдиришган:

Киянуз РАҲМАТИ, ярим ҳимоячи: — 'Бунёдкор' — кучли жамоа. Айниқса, унинг Жепаров, Ривалдодек футболчиларини таъкидлаш керак. Чоршанба куни нима бўлишини олдиндан аниқ айтиб бўлмайди. Бу футбол. Ва биз охиригача қурашамиз.

Пьер ЛИТБАРСКИ, бош мураббий: — Бизни ўта оғир учрашув кутиб турибди. 'Бунёдкор', авваламбор, ярим ҳимояси ва ҳужум чизиги билан кучли. Биз ижобий натижага эришишга ҳаракат қиламиз. Бахтимизга, таркибимизда йўқотишлар йўқ. Барча футболчилар сафда. Агар керакли натижага эриша олмасак, бундан фожиа ясамаймиз. Чунки бизнинг жуфтлгимизда бошланишиданок 'Бунёдкор' фаворит саналган.

Адолат — бош мезон

Ўзбекистон футбол федерациясида ҳақамлар ва назоратчилар кўмитасининг навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакат миллий чемпионолатнинг 20-туридан ўрин олган ОТМК — 'Пахтакор' учрашуви (0:1)ни бошқарган Қаҳрамон Йўлдошевнинг ҳақамлик савияси бўйича назоратчи Ғайрат Қаримов томонидан қўйилган нотўғри баҳо борасидаги апелляцияси ва ОТМК ФКнинг ҳақамлар савиясига нисбатан шикоятномаси кўриб чиқилди.

Рустам Акрамов бошчилигидаги кўмита аъзолари ўйин видео-тасмасини кўриб чиққач, ҳақам кўпуб қўпол хатоларга йўл қўйганлиги маълум бўлди. Шунингдек, 87-дақиқада ОТМК ФКнинг голини инobatга олмаганлиги ойдинлашди. Натижада, кўмита гулистонлик Қаҳрамон Йўлдошевни УФФ ҳақамлар рўйхатидан ўчириш ва кейинчалик ҳам Ўзбекистон чемпионолати, биринчилиги ва Кубоги бахсларини бошқаришга жалб этмаслик юзасидан қарор чиқарди.

Уче «Шўртан»да



Янги мавсумни ижара асосида Эрон чемпионолатида бошлаган нигериялик ҳужумчи Икеруоме Уче Фузорнинг 'Шўртан' жамоасида ижара асосида тўп суради.

Эроннинг 'Мес' клуби бош мураббийида яхши таассурот қолдирган ҳужумчи, нима учундир Тошкентга қайтган ўтган йилги ўйинини топиб кета олмади. Табиийки, бундай вазиятда футболчини захирода олиб ўтиргандан кўра, ўзга жамоага ижарага берган маъқул. Бу борада 'Шўртан'дан Африка вакилига жиддий таклиф тушди.

Тошкент вилояти Олмалик шаҳри Улугбек кўчаси 82-«А» уйда жойлашган, «Ал-Икромжон» ХКК дорихонаси ва Олмалик шаҳар 5/1 микро-район яшил савдо марказида жойлашган «Шифо» МЧЖ дорихонаси бирлаштирилганлиги маълум қилинади.

Ўтганларнинг охираати обод бўлсин

Ўзбекистон Маданият ҳодимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилояти бўйича вакиллиги жамоаси Янгийўл шаҳар «Усмон Юсупов» уй музейи директори Улмас ЮСУПОВнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ҳодимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши ва унинг ҳудудий вакилликлари жамоалари Марказий кенгашининг Фаргона вилоятидаги вакили Ҳосил Қосимовга падари бузруквори ҲОСИМЖОН отанинг вафот этгани муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон савдо, матлубот кооперацияси ҳодимлари ва тадбиркорлар касба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси Марказий кенгашининг Самарқанд вилояти вакиллиги молия бўлими мудири Майсара Садуллаевага падари бузруквори МАРДОН отанинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик изҳор этади.

СЭНТ ЁРУҒ ТУЙҒУ



Юз ёшида дорулбақога рихлат қилган Зулфизар момом ҳар куни эрталаб дастурхон атрофида бизни дуо қилаётиб «бир-бирингизга муҳаббатли бўлинг» дер эди... Яна бир ўғитни қулоқларимизга қуярдилар: «Яхши ният қилган кишининг йўллари тобора очилаверади, ёмон ниятли одам ўз йулини ўзи беркитади!».

Рамазон ойининг қутлуғ кунларида жисим ҳам, руҳинг ҳам қушдаг энгил тортиб остона хатларканман, момонинг шу иккала ўғити қулоқларим остида жаранглайди. Ҳақларни жондилдан севинишга, бор меҳримни даста гул каби уларга ҳаёда этишга ўзимда куч топа олармикинман дея ўйлаб кетаман. Беихтиёр момом ҳикматларининг мағзини чақаман.

Аллоҳ инсонларни жамики мавжудотдан улуг қилиб яратган. Ҳатто фаршталар эрта-кеч инсонлар хизмати-га шай туришармиш. Аммо инсон ёнидаги инсонни ранжитиш, кўнглига озор этказиш баъзан, нега шундай экан-а? Кечиримли ва шэфқатлироқ бўлганимиз маъқул эмасми? Масалан, яхши гапимиз билан атрофдагиларнинг кўнглини кўтарсак, руҳига мадад берсак, ғам-қайғусига ҳам, хурсандчилигига ҳам шерик бўлсак...

«Одамларнинг сиздан миннатдорчилик туйғуларни атрофингизни оппоқ ёғди каби ўраб туради» дейишдади психологлар. Тиббиёт мутахассислари бунга «ижобий биомайдон» деб тушуниришади. Ана шу биомайдон инсоннинг дилига нурдек сингиб, ҳатто саломатлигини ҳам мустаҳкамларкан. Демак, ўзгаларга кўрсатган меҳр-муҳаббатимиз ёруғлик бўлиб ўзимизга қайтади. Худди момом айтганидек, шу меҳр-муҳаббат эвазига биз учун яхшилик йўллари кенг очилади, орзу-умидларимиз дарахти япроқ ёзади, сўнг мева беради.

Кўнглининг покляниши шу эмасми-кан?!

Аслида рамазон ойда ривозат чекиб рўза тўтаётганимиздан мақсад ҳам битта, яъни вужуд ва руҳинг поклянишига эришмоқдир. Шундай экан, бунга қим қандай ёндашди?

— Рўза кунлари бозор айланиб юрмайин деб аввалдан бир ойлик ёнғоғу майзини ғамлаб олганим, — дейди танишим.

қирилганман, — дея ён дафтаридаги қатор саналарга ишора қилади бошқа биров.

Бир ой ичида вужуд оч қолмаслиги учун шунчалик ҳаракат қилинар экан, рўза тутмоқдан бир ҳафта дегим келарди. Шунда момом гапириб берган воқеа хавлимдан ўтади:

— Камхаржроқ бўлиб қолган кунларим эди. Қарасам, ифтор қилишга уйда егулик йўқ. Бушган идишларни бирма-бир очётганимда икки-уч донга

— Қаноатли бўлмоқда ҳикмат кўл. Бировлар хашаматга ўч бўлади. Қават-қават уйлар қураман деб тинчичини йўқотади, умрини шунга сарфлайди, бу қандай гап? Инсон кичкина қулбада ҳам сабр ва шукр билан ширингина яшаши мумкин.

Халқимиз азвалдан рамазон ойини интиқлик билан кутган. Чунки рамазонга қадар юз берган тавиш-у муаммолар бир ойлик рўза кунлари осонгина ечим топан экан. Одамлар ёмонликлардан тийилиб, яхши амалларни кучайтирганлар.

Момомдан эшитган бир воқеа ёдимга тушади:

— Қайноғам жуда иззатталаб, бад-жаҳл киши эди. Биз келинларга «олди-берди ишларида мен билан маслаҳатлашинлар» дерди. Бир куни кўчадан нотаниш киши нимадир сўраб кирганида қайноғам билан маслаҳатлашмай бериб юборибман. Эшитиб, мени анча койидади. Айб ўзимдайди, ҳеч нарса дёлмадим. Ана шу кўнгилихаликни деб кўп вақт изтироб чеқдим. Айна рамазон ойда қайноғам хасталаниб қолди. Кўргани кирсам терс ўғирилди. Шунда севкингина ёнига бориб «Ака, рўзанинг ҳурмати учун мени кечиринг» дедим. У киши ёстиқдан бошини кўтариб «рўзанинг ҳурмати учун кечирдим, келин» деди. Чехраси анча очилди, мен энгил тортидим. Рўза шунчалик улугдир!

Биз ҳам умримиз давомида, айниқса, шу қутлуғ ойнинг ҳар куни рўза ҳурмати учун эрта тонгдан эзгу амаллар сари чоғлансак, дилимиздан ноҳожий ўй-хавлларни қувиб, қалбимиз эшикларини фақат яхшиликлар сари очсак, йўлимизда учраган ҳар кишини Хиёр билиб кўнглимиздан жой берсак...

Шундагина икки дунё саодатига эришиш бизга насиб бўлармикин дейман. Гулчехра ЖАМИЛОВА. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист



туршак чиқди. Пиёлага солиб устидан сув қуйдим. Оғиз очар маҳали шу билан кифояландим. Ушанда шунчалик ҳузурландимки, рамазондан бошқа кунлар энг ширин таом еганимда ҳам бунчалар лаззатли туюлмаганди.

«Рўза тутган киши кун бўйи оч ва ташна юриб, хастақолларнинг, ноҳорларнинг аҳолини англаб этади, уларга нисбатан кўнглида меҳр-шафқат уйғонади» дейишди кексалар.

Бу ҳам аслида бир ҳикмат! Бошидан ўтказган табиб-да. Ён-атрофимиздагилардан меҳр-муруватимизни аямаслик учун, албатта, уларнинг қай аҳволдалигини билишимиз лозим. Зулфизар момом айтарди:



Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abdullayev Abdurazzoqov

Ta'bir hay'ati:

- Alla BOLIENKOVA, Anvar YUNUSOV, Davud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFDOYEV (Mas'ul kotib), Ma'mura ABULOVA, Mirzohid SONIQOV, Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oqsulov NAFASOVA, Pirmuqol QODIROV, Soq'indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONDYOEV

Bo'limlar:

- Kasaba uyushmalari haqoti 256-87-83, Huquq va xalqaro haqot 256-87-73, Ijtimoiy-iqtisodiy sigosat 256-87-74, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43, Reklama va e'lonlar 256-83-80

Manzillimiz:

100105, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko'rsatkichi:

133; 134

Navbatchi muharrir:

T. Shernayev, Navbatchi: A. Abdullayev, Musabbihi: N. Mahamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchilar: H. Abdullayev va Y. Mixaylovskiy

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Taron» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri ta'hiriyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Tijorat materiallari

Bosilgan topshiri sh vaqti - 21.00. Topshirildi - 20.20

Buyurtma T - 814

11004 nusxada bosildi 2 3 4 5 6 7 8